



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 16 август, № 168 (7398)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖОНА ЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 август куни Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий натижалари ва истиқболдаги устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Бош прокуратура, Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, ДХХ Чегара қўшинлари, Мудофаа sanoati давлат қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ҳамкорлигининг амалий натижалари, глобал тенденциялар, шунингдек, жаҳонда ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хатарлар кўриб чиқилди. Кейинги йилларга мўлжалланган ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий вазифалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган очкилик ва ишонч сиёсати тўғрисида Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва ўзаро англашувга асосланган мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланиши таъкидланди. Минтақанинг барча мамлакатлари билан стратегик шериклик алоқалари йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, олий даражадаги тадбирлар натижасида аъёнаний дўстона муносабатлар ўрнатилган мамлакатлар, жумладан, Россия,

ЎзА.

Парламент ҳаёти ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ БУГУНГИ АМАЛИЁТ НЕГИЗИДА ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш sanoatининг ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари таҳлили. Ўзаро муносабатларнинг норматив-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш” мавзусида конференция ташкил этилди.

Нуфузли халқаро молия институтлари ва муассасалар, мамлакатимиздаги мутасадди ташкилотлар вакиллари, депутатлар, экспертлар қатнашган ушбу анжуманда соҳа бўйича ўзаро тажриба алмашиш ҳамда юртимизда қишлоқ хўжали-

ги маҳсулотларини етиштириш, sanoat усулида тўлиқ қайта ишлаш ҳамда ушбу йўналишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.



Сенатор минбари Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари қандай ҳолатда хусусийлаштирилмайди?

Президентимиз томонидан имзоланган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун 2020 йил 1 мартдан эътиборан қучга қиради.

Ушбу ҳужжатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришга доир муносабатларнинг барча муҳим жиҳати қамраб олинган. Жумладан, хусусийлаштириш тамойиллари, объектлари, субъектлари, шакллари ҳамда бу борадаги асосий тушунчалар ўз ифодасини топган. Қонунийлик, ихтиёрийлик, ҳақ тўлаш, хусусийлаштириладиган ерлар ва уларда жойлашган қўчмас мулк объектларининг бирлиги, очкилик ва шаффофлик хусусийлаштириш-

нинг асосий тамойиллари сифатида белгиланган. Юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида берилган ерлар, бўш ер участкалари ҳамда Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига берилган ерлар эса хусусийлаштириш объектларидир. Ер участкаларини хусусийлаштириш субъектлари сифатида фақатгина Ўзбекистон фуқаролари ва Ўзбекистон резидентлари бўлган юридик шахслар белгиланганини алоҳида қайд этиш лозим.



Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ВАТАНПАРВАРЛИК — ҲАЁТИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСИ

Марралар қанчалик баланд олинмасин, лойиҳалар нечоғли истиқболли бўлмасин, Ватанни севадиган, чин юракдан меҳнат қиладиган фидойи инсонларсиз уларни амалга ошириш имконсиз.

Ҳар бир қалбда ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди, деб ёзган эди таниқли немис адаби Густав Фрейтаг. Ватанга муҳаббатнинг асл боиси шудир эҳтимол?! Бугун одамлар кўнглига йўл топиш, уларнинг дарду ташвишларига қўлоқ тутиш, муаммоларига ечим излашга қаратилган улғувгор ишлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Ҳўш, ана шу эзгуликлар, хайрли ташаббуслар қаердан қувват олмақда? Албатта, кўнгилдан! Ватанга, халққа дахлдорлик ҳиссидан! “Элга қўшулгон эш топти”, деб бежиз айтмаган Ҳазрат Навоий.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари

Кейинги уч йил давомида Ўзбекистонда рўй берган, бераётган янгиланишлар шиддати дунё ҳам-жамиятида катта қизиқиш уйғотди. Ўз навбатида, эришилаётган натижалар юксак даражада эътироф этиляпти ҳам. Чунки ислохотлар кириб бормаган соҳа қолмади ҳисоб. Шаҳаро қишлоқлар қиёфасига қўшилиб, одамлар тафаккури, дунёқараш, ҳаёт тарзи ҳам

ўзгармоқда. Энг муҳими, халқимиз бугун олиб борилаётган сиёсат мазмун-моҳиятини тушуниб етди. Дахлдорлик тўғриси кучайди. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари боряпмиз. Шунинг учун ҳам ўзгаришларга, озми-кўпми ҳиссам қўшилсин, дея енг шимариб, ишга киришганлар кам эмас.

Албатта, марралар қанчалик баланд олинмасин, лойиҳалар нечоғ-

ли истиқболли бўлмасин, Ватанни севадиган, чин юракдан меҳнат қиладиган фидойи инсонларсиз уларни амалга ошириб бўлмайди. Шўқрки, бу борада ҳам мактанса аризуғулик мисолларимиз кўп. Чинакам ватанпарварларимиз сафи жуда кенг! Қўйида улардан айримларининг ибратли ҳаёти ва хайрли ишлари ҳақида сўз юритамиз.

Муаллима пулини қаерга сарфлади?

Фаридахон Маматисақова — Андихон вилоятининг Шахрихон туманидан. Фидойи муаллима. Камтарона ҳаёт кечиради. Мактабдаги ҳам-касблари қатори ойлик маоши билан рўзгор тебратди. Аммо унинг кўпчиликдан ажралиб турадиган бир жиҳати бор: юраги Ватан ишқига лиммо-лим. Одамларга яхшилик қилсам, қишлоқдошларимга янаям кўпроқ нафим тегса, дейди.

Фаридахон опа яқинда бир эзгу ишга қўл урди. Ҳар ой маошидан 100 минг сўм орттириб, сандиққа ташлаб қўйишни одат қилган экан. Бисотини қавлаб, бундоқ санаб кўрса, мўмайгина пул йиғилибди.

Сарфлайман деса, ташвиши, орзу-ҳаваси камми? Опахон эса бундай йўл тутмади. Шогирдлари тақдирини, келажагини ўйлади. Ўзи истиқомат қиладиган Қалмоқ маҳалласида мўъжазгина кутубхона барпо этди. Ичини ўз жавонидидаги ва ҳомийлар туҳфа этган турли адабиётларга тўлдирди. Аммо бу билан кўнгли таскин толмади. Кутубхона-ку бор, энди китоб ўқийдиганлар сонини кўпайтириш керак. Бу борада болаларни рағбатлантиришни ҳам йўлга қўйди. Яъни 5 та китоб ўқиган ўқувчига 1 китоб соғва қияпти. Бу усул иш берди. Бугун устознинг кутубхонасидан ўқувчилар аримайди. 2000 дан зиёд адабиётлар қўлма-қўл бўлиб ўқияпти.



«Ҳаж — 2019»

«ХАЛҚИМИЗНИНГ САОДАТЛИ КУНЛАРИ БАРДАВОМ БЎЛСИН!»

“Халқ сўзи” махсус муҳбири Саид РАҲМОНОВ Саудия Арабистонининг Макка шаҳридан хабар қиладди.

“Ҳажингиз мабрур, саъйингиз машкур бўлсин”. Ҳажнинг асосий руқнларини адо этиб, ҳожилик мақомини олган 7000 дан зиёд ҳамюртларимиз бир-бирларини бағрига босиб кутлар экан, ана шундай эзгу тилак билдирмоқда. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам “Мабрур ҳажнинг мукофоти факат жаннатдир”, дея марҳамат қилганлар. Шу боис Ўзбекистонлик зиёратчилар ҳаж арконларини катта иқлос ва ҳусни хулқ билан адо этишга интилдилар. Навбатдаги — Минога чиқиш, Арофатда туриш, Муздалифада тунаш каби амалларни ҳам рисоладагидек бажардилар.

Чодирли шахар

Ҳожилар ҳайитнинг учинчи куни асргача Минода бўлиши суннат саналади. Шунинг учун Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан бу ерда ўзига хос шаҳарча

бунёд этилган. Унинг ўзига хослиги шундаки, бу манзил чодирлардан тикланган ва шунчалик кўплигидан бутун водий бўйлаб чўзилиб кетган.



ЎЗБЕКИСТОН «ТАНК БИАТЛОНИ» ЖАМОАСИ ҒАЛАБАГА ЭРИШДИ

15 август куни Москва вилоятида жойлашган “Алабино” дала-ўқув майдонида Халқаро армия ўйинларининг “Танк биатлони” йўналиши бўйича II дивизионнинг финал баҳслари ўз нихоясига етди. Қувонарлиси, унда вақилларимиз ғалабага эришди.

Хушхабар

Айтиш жоизки, қизгин ва шиддатли баҳсларга бой бўлган чорак финалда ҳарбий хизматчиларимиз барча тўсиқлардан муваффақиятли

ўтиб, энг яхши натижани кўрсатганди.

Ҳамюртларимиз финалда Уганда, Куба ва Вьетнам жамоалари билан курашди. Якуний беллашувда жамоаларнинг ҳар учала экипаж аъзолари катта



Т. НАРЗИЕВ.

КЛАСТЕР

Ер ўша-ўша, натижа эса тамоман ўзгача.

“Далага чиқишдан мақсад нима ўзи? Даромад топиш! Даромадни эса қўшимча ҳосил таъминлайди...” Президентимиз жорий йил 18 июль куни Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида шуларни таъкидлар экан, пахтачилик соҳасига доир бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Албатта, манфаатдорлик бор жойда самарадорликка эришилади. Асосий гап, иш услубининг тўғрилигида! Деҳқон меҳнатидан барака топса, ишбилармон фаолиятидан фойда кўрса, аҳоли бозордан ўзига керакли маҳсулотни арзон

нархда харид қилса, сифатидан кўнгли тўлса, давлатнинг ютуғи шу-да! Қолаверса, ички эҳтиёждан ортган ноз-неъматларимизга хорижий мамлакатларда талаб катта. Бунинг эвазига келадиган чет эл валютаси эса юртни ҳам, халқни ҳам бой қилиши.

Кластер тизимининг ҳаётимизга кириб келиши — аини шу мақсад ва зарурат ҳосиласи. Ахир хом ашё етиштиришдан тортиб уни тайёр маҳсулотга айлантириш ва сотишгача бўлган жараёнини қамраб олган ушбу самарали усул қатор афзалликларга эга экан, нега уни ўзимизда қўллаганлигимиз керак?!

Бир тузилманинг ўн уч корхонаси

Ҳар қандай ангиллик ама-лийётда синалгач, ҳақиқий баҳосини олади. Ҳўш, кластер тизими ўтган қисқа даврда қандай натижалар берди? Бу борада сўз кетганда, даставвал, Сирдарё тажрибаси кўз олдимизга келади. Негаки, бу ангиллик биринчилардан бўлиб айнан ушбу вилоятда ҳаётга татбиқ этилди. Президентимизнинг 2017 йил 15 сентябрда қабул қилинган “Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада ҳуқуқий пойдевор бўлди.

Шу тариха воҳада “Бек кластер” масъулияти чекланган жамиятига асос со-



линди. Ҳозир унинг таркибидagi корхоналар сони 13 та! Иккитаси, яъни “Mirzaobod universal trade cluster” ҳамда “Sirdaryo agro cluster” қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган. “Wellfort”да кийим-кечак, “Orzu teks”да газлама, “Sarbonteks”да момик, юмшоқ мато тайёрланмоқда. “Sirdarinskiy bereg”, “Bek” ва

“Mirzaobod chor dalasi”да эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Яна пахта тозалаш заводи, тайёр маҳсулотлар савдоси, қишлоқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатувчи субъектлари ҳам бор. Буларнинг барчаси бир бўлиб, кластер тузилмасини шакллантирган.



Ватанпарварлик — ҳаётимизнинг маънавий асоси

Марралар қанчалик баланд олинмасин, лойиҳалар нечоғли истиқболли бўлмасин, Ватанни севадиган, чин юракдан меҳнат қиладиган фидойи инсонларсиз уларни амалга ошириш имконсиз.



Саховат ҳам ибодатдир

Ҳаж зиёрати — исломнинг беш арконида бири. Бундай саодатга эришганлар сафи юртимизда йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Риштонлик Изроба Усмонова ҳам шундай улугъ ниятни дилига туккан эди. 2013 йилдан айни кунгача ҳаж сафари учун 20 миллион сўмдан зиёд маблағ йиғди. Аммо, тақдир экан, навбати келганида тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Жарроҳлик амалиёти ўтказилишига тўғри келди. Шифокорлар бу аҳволда ҳаж зиёратига боришга изн беришмади. Шунда Изроба Усмонова ҳаж харажати учун йиққан маблағини кам таъминланган, эътиборга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларга бўлиб берди.

— Ҳозир саломатлигим жойида, — дейди онахон. — Гарчи ҳаж ибодатини адо этиш насиб қилмаган бўлса-да, кўнглим тоғдек баланд. Ҳозир мени риштонликлар “Ҳожи она” деб чақиряпти...

Муқаддас ришта

Президентимиз Мўйноқ туманига таширфи чоғида “Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган асли шу — Мўйноқ аҳолиси. Уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнатқилиши учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак”, дея ҳамманинг дилидаги гапни айтганди. Чиндан ҳам, бу заминда шунчаки кун ўтказишнинг ўзи катта машаққат. Улкан денгиз аввалги қирғоқидан 100 километр нарида! Тубида ҳосил бўлган

Оролқум майдони роппа-роса 5,5 миллион гектар! Денгизнинг бир литр суви таркибида 150 — 300 граммгача туз бор. Бу ерда илгари мавжуд бўлган 38 турдаги балиқлар қирилиб кетган. Заминдан ҳар йили шамол ўз миллион тоннагача кум ва тузни кўтариб, юзлаб километрга учиради. Мўйноқликлар ана шундай ҳаводан нафас олади.

Айни сабабдан Оролбўйи ахли туманда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш ишларини катта шоду ҳуррамлик билан қарши олди. Қишнинг қаҳратониде, изгирин совуқда қўлига кетмон, белкурак кўтариб, ҳашарчиларга кўмакка отланди.

Улфат Қалабаев — шулардан бири. Мўйноқ давлат ўрмон ҳўжалиги тракторчиси. У шу ерда туғилиб-ўсган. Тумандаги экологик жараёнлар доимо кўз ўнгиде кечган.

— Болагимизда денгиз атрофида ҳосил бўлган кўлларда балиқ овлардик, — дейди у. — Бора-бора ўша ҳавзалар ҳам қуриб-битди. Турмуш кечириш қийинлашди. Бироқ бу замин — туғилган маконим, Ватаним! Қандайдир бир кўринмас ва муқаддас ришта мени Мўйноқдан қўйиб юбормаиди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Орол денгизининг қуриган тубида амалга оширилган олашмумул ишларда фаол иштирок этдим. Жамоамиз билан саксовул экишга жон-жаҳдмиз билан киришдик. Ҳатто қишнинг қировли кунларида ҳам ишни асло сусайтирмадик. Ҳозир 20 гектар майдонда кўчатхона барпо этганмиз. Бу ерда саксовул ниҳолларини ўстиряпмиз. Уларни ҳам

насиб бўлса, Оролқум бағрига қадайимиз.

Улфат оға — оилапарвар. Турмуш ўртоғи билан бир ўғил, бир қизни вояга етказяпти. Қаҳрамонимизнинг мақсади эзгу: фарзандлари келгусида яшилликка бурканган Мўйноқ заминида ҳаётдан завқ олиб яшасин.

«У — мен учун қаҳрамон»

Яқинда бўлиб ўтган воқеа кўпчиликнинг инсоний туйғуларини жунбова келтирди. Шифокор Сергей Владимирович Тобиас ота-онаси томонидан клиник ўлим ҳолатида олиб келинган икки ёшли болакайнинг ҳаётини сақлаб қолди. Пойтахтимиздаги хусусий шифохоналардан бирида содир бўлган ушбу воқеа тасвирланган видео турли сайтлар ва ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Мазкур материалларга юртдошларимиз шифокорнинг профессионал ва инсоний сазй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиб, юзлаб фикр-мулоҳазалар қолдирдилар.

Клиник ўлим организмнинг асосий ҳаёт фаолияти — қон айланиши, нафас олиши тўхтаган вақтидан бошланиб, бош мия пўстлоғи ҳужайраларининг нобуд бўлишигача давом этади. Реанимация тадбирлари ўз вақтида ва юксак маҳорат билан ўтказилгандагина бош мия пўстлоғи фаолияти тикланиши мумкин. Эътиборлиси, бу иш 5-6 дақиқа ичида амалга оширилиши керак.

Дарҳақиқат, клиник ўлим ҳолатидаги инсоннинг яна ҳаётга қайтиши Яратганнинг инояти билан юз берадиган, сўз билан таърифлаб бўлмас воқелик. Шу билан бирга, шундай

улугъ, илоҳий бир ишга сабабчи бўлиш кишидан катта жасорат, фидойилик, ўз касбини севиш, юксак инсонпарварлик талаб этади.

Воқеа қаҳрамони Сергей Тобиас ана шундай фазилатларни ўзида мужассам этган инсон эканини ҳаётда исботлади. У, гарчи реаниматолог бўлмаса ҳам, масъулиятли бир паллада касб маҳоратини намойиш қилди.

Қайд этиш керакки, ушбу воқеадан сўнг бемор 3-болалар клиник шифохонасига тез ёрдам машинасида шифокор кўриғи остида юборилган. Ушбу шифохонада барча муолажалар амалга оширилган.

— Фарзандимни қутқариб қолган шифокордан жуда миннатдорман, — дейди болакайнинг отаси Дилшод Раззоқов. — Ота сифатида унинг бу фидойилигини ҳеч нарсага қийслаб олмаيمان. У мен учун ҳақиқий қаҳрамон.

Айтиш жоизки, шифокорнинг бу фидойилиғи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи томонидан алоҳида эътироф этилди. У “Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўрак нишони билан тақдирланди.

Шу юрт — ҳаммамизники!

Лоқайдлик — иллат. Ҳамжихатликда эса ҳикмат кўп. Ҳўш, одамларни нима бирлаштиради? Эзгу мақсад! Умумманфаат! Бугун Ватанини обод қилиш йўлидаги қаҳирларга юртдошларимиз нима учун бир овоздан “Лаббай” деб жавоб қайтаришмоқда? Чунки юртнинг бугуни, келажаги ҳаммага дахлдор.

— Қишлоғимизга Зомин туманидан тоза ичимлик суви келтирилмоқда, — дейди Ховос туманидаги “Қайирма” ма-



ҳалла фуқаролар йиғини раиси Нажмиддин Жўраев. — Сув тармоғининг худудимиздаги қисми бир неча километрни ташкил этади. Қувурлар ётқизилгач, маҳалламиз ахли қараб турмади, виждон амри билан хайрли ишга бош қўшди. Тармоқни кўмш ишларида қувурчиларга ёрдам бериб юборишди. Яъни ҳар бир оила ўз уйи атрофидан ўтган қувурларни ёпиб, бу билан қурилиш ни тезлатишга ўз хиссасини қўшди. Ростини, бунинг учун ҳеч бир кўрсатма ҳам, топшириқ ҳам берилгани йўқ. Гап шундаки, энди одамлар ҳам-

масини давлат қилиб бериши керак, деган эски тушунча ўрнига шу юрт, шу Ватан ҳаммамизники, деган эзгу ғоя билан яшашга ўрганишди. Қолаверса, аҳолимиз табиий газ тармоғини тортишга ҳам баҳоли қудрат ёрдам берди.

Яна бир гап. Яқинда Бекобод туманилик бир саховатпеша инсон маҳалламизда яшовчи кам таъминланган оилага 4 хонали уй қуриб берди. Бу хайрли ишга қишлоғимиз ахли ҳам бош қўшди. Буларнинг барчаси нимадан далолат беради? Тўғри йўлдан бораётганимиздан!

Энг буюк жасорат намуналари қандай юзага келганини биласизми? Машҳур француз файласуфи Жан-Жак Руссоннинг фикрича, Ватанга муҳаббат туғайли! Бу туйғунинг ҳаётбахш кучи эса — яратувчанлик! Замонавий Ўзбекистоннинг янги даврини ҳам ана шундай хислату фазилатлар соҳиблари — фидойи ва ватанпарвар юртдошларимиз яратмоқда. Бинобарин, барчамизнинг дилимиздаги мақсаду мудоао муштарак — Ўзбекистонимиз энг бахтиёр инсонлар мамлакатига айлансин!

«Халқ сўзи».

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари қандай ҳолатда хусусийлаштирилмайди?



Қонунни айрим фуқароларимиз нотўғри талқин қилаётган ҳолатлар ҳам кузатиляпти. Таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган барча ерлар ҳам хусусийлаштирилавермайди. Ҳужжатда бу борада аниқ норма белгиланган. Яъни режалаштириш схемалари бўлмаган ҳудудларда жойлашган ерлар, фойдали қазилмалар конлари, давлат мулкдаги стратегик объектлар жойлашган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар, ўрмон ва сув фондларининг, шахарлар ва шаҳарчаларнинг умумий фойдаланишдаги ерлари, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчиларига берилган ҳамда шу каби бошқа ерлар хусусийлаштирилмайди.

Қонунда ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида давлат бошқаруви, жумладан, давлат органларининг бу борадаги ваколатлари аниқ мустаҳкамлаб қўйилган. Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимликлар, “Давергодезадастр” давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиғи ҳамда Ўрбанизацияни ривожлантириш жамғармаси бу борада ваколатли органлар ҳисобланади. Масалан, Давлат активларини бошқариш агентлиғи ер участкаларини хусусийлаштиришнинг очик ва шаффоф механизми ташкил этилишини ҳамда интернет тармоғи орқали электрон тарзда ер савдолари амалга оширилишини таъминлайди. Бундан ташқари, электрон онлайн-аукционлар ўтказилишини ташкил этади.

Шунингдек, унда кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини хусусийлаштиришга оид нормалар ҳам кўзда тутилган. Яъни ер участкаларини хусусийлаштириш ҳисомини ва юридик шахсларнинг аризалари асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан амалга оширилади. Бунинг учун тўлов микдори ер участкаси хусусийлаштирилган кундаги ер солиғи ставкасининг қаррали микдориде белгиланади. Хусусий мулкчилик ҳуқуқи

Толибжон МАДУМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.

«ТУРКМАН САҲРОСИ»ДА ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ

Туркманбоши шахри (Туркменистон)да Биринчи Каспий иқтисодий форуми доирасида иш бошлаган “Туркман саҳроси — 2019” автомобилсозлик соҳасидаги инновацион технологиялар ва ютуқлар халқаро кўргазмасида “Ўзавтосаноат” АЖ маҳсулотлари ҳам намойиш этилмоқда.



Халқаро кўргазма

Кўргазманинг асосий мақсади Туркменистонга автомобилсозлик, авто бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш соҳасидаги инновацион ечимларни жалб қилиш ва автомобилларни ишлаб чиқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатишнинг тўлиқ занжирини яратибдан иборат.

Кўргазмада “UzAuto Motors”, “JV MAN Auto-Uzbekistan”, “UzAuto

TRAILER” ва Самарқанд автомобиль заводи компаниялари модель қаторлари билан бирга, Тошкент шахридаги Турин политехника университети мутахассислари ва талабаларининг инновацион ишланмалари ҳам намойиш қилинди.

Жумладан, лаборатория ўрнатилган электробус, водород ва биоёқилгида юрочувчи автомобил, шунингдек, замонавий робот-

лар йиғилганлар эътиборини тортмоқда.

Ҳар йили бу каби кўргазмалар кўп сонли автомобилсозларни ўзига жалб қилади ва амалий мулоқот, янги ҳамкор топиш ва самарали музокаралар ўтказиш учун майдон бўлади. “Туркман саҳроси — 2019” расмий тадбири доирасида, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларнинг бевосита мутахассислар билан мулоқоти учун халқаро форум ҳам ўтказилди.

«Халқ сўзи».

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ҚАЧОН ОШАДИ?

Бугунги кунда Ўзбекистонда 30 дан ортиқ суғурта компаниялари фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан берилган суғурта муқофотларининг асосий қисми эса мажбурий суғурта ҳиссасига тўғри келади. Ҳўш, бунинг сабаби нимада ва келгусида тизимда қандай янгиликлар кутилмоқда? Қуйида ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Қарор ва ижро

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10 июль куни мамлакатда суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда мазкур соҳанинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиб, келгусидаги устувор йўналишларни белгилла берган эди. Хусусан, йиғилишда жорий йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта муқофоти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келганлиги, мамлакатини яқли ички маҳсулотидеги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этганлиғи таъкидланди.

Бу кўп жиҳатдан суғурта хизматлари етарли даражада жозибатор эмаслиғи билан ҳам

лойиҳалари, шунингдек, 5 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиши қайд этилди. Суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш, суғурта бозори инфратузилмасини кенгайтириш, профессионал иштирокчиларнинг капиталлашув даражасини, тўлов қобилиятини ва молиявий барқарорлигини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, хизматлар сифатини юксалтириш, соҳада замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ҳамда кадрлар масаласига ҳам жиддий эътибор берилган.

Шунингдек, суғурталовчиларнинг устав капитали минимал миқдорлари 2020 — 2022 йилларда босқичма-босқич ошириб борилади. Суғуртанинг айрим турлари бўйича электрон полислар (“Е-полис”)ни расмийлаштириш механизми жорий этилади.

2020 йил 1 январдан юридик шахслар — суғурта брокерлари ва суғурта агентлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси комиссия муқофотининг 13 фоизи микдориде белгиланади.



Таъкидланганидек, Ўзбекистон Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан ташаббус тартибиде ишлаб чиқилётган қонун лойиҳаларини шакллантиришда асосий тамойиллар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ваколатлари, саноат корхоналари ва хом ашё ётиштирувчилар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиғи каби нормаларини белгиллашда ҳозирги амалиётни ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Бунда, айниқса, Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори катта аҳамиятга эга. Қарор билан мажбурий имкониятдан самарали фойдаланиш, аграр соҳада замонавий технологияларни жорий этиш орқали 2019 — 2021 йилларда умумий қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ доллари бўлган 45 та агрологистика комплекси, қайта ишлаш бўйича 205 та янги қувват, 36 минг гектар интенсив боғ ташкил этиш режалаштирилган.

Партия экспертлари томонидан юқоридаги вазифалар ижросини таъминлаш масалалари ҳамда мамлакатимизнинг турли иқлим шaroитларида хом ашё ишлаб чиқарувчи томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кластерлар ҳамда саноат корхоналари тажрибасини тақомиллаштириш каби жиҳатлар ўрганилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштириш соҳаси билан уларни

қайта ишлаш саноати соҳалари узвийлигини таъминлашнинг бугунги кундаги ҳолатини ўрганиш аини мудоао, деб топилиди ҳамда ушбу мақсадда мамлакатимиз турли минтақаларида фаолият юритаётган ер эгалари иштирокида амалий лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Конференция давомиде ушбу лойиҳаларга ер, сув, ёқилғи ва минерал ўғит ресурслари ҳамда тўқимачилик, мева-сабзавот, чорвачилик, пиллачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, қишлоқ хўжалиғи машинасозлиғи соҳалари бошқарувида рақамлаштириш технологияларига масъул фуқаро давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мутасаддилари тақлифлари билдирилди. Ўз навбатида, тадбирда халқаро молия институтларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан мазкур соҳада ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда инвесторлар учун жозибаторликни янада ошириш тўғрисида маълумотлар берилди.

Яқунда қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш соҳалари узвийлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш мақсадида “Қишлоқ хўжалиғини бошқариш тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалиғини саноатлаштириш тўғрисида” ва “Агрокооперация тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

лаштириш, ҳудудий бўлинмалар иш тизимини тубдан яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қаратапти. Қувонарлиси, бу амалда ўз самарасини беряпти ҳам. Жорий йилнинг олти ойида 134,8 миллиард сўм суғурта муқофотлари таъминланиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиш суръати 17,2 фоизни ташкил қилган, 28,1 миллиард сўм суғурта товоғи тўлаб берилган фикримиз тасдиғидир. Бундан ташқари, қарор ижроси бўйича “Йўл ҳаритаси” ҳам ишлаб чиқилдики, бу нафақат ҳозирги 150 дан ортиқ хизматларимиз сифатини яхшилашга, балки келгуси йилдан улар сонини янада кўпайтиришга замин яратди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори мамлакатимиз иқтисодиёти, қолаверса, аҳоли фаровонлиғи ва тадбиркорлик субъектларининг барқарор ривожланишига ҳамда суғурта ташкилотларининг ички ва ташқи бозорда рақобатдошлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамият-лидир.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
«Ўзгросуғурта» акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси.

КЛАСТЕР

Ер ўша-ўша, натижа эса тамоман ўзгача.

◀1 Энг асосийси, ҳали бу йўналишда режалаштирилган лойиҳалар бисёр. Демак, келгусида мазкур иқтисодий субъект фаолияти янада кенгайди. Бинобарин, янги ташкил этиладиган корхоналар ҳисобига кластернинг умумий жамоаси 10 минг кишига етади. Ваҳоланки, аънавий фермер ҳўжалиги, нари борса, 4-5 кишини доимий, яна 5-6 одамни мавсумий иш билан таъминлай олиши, боз устига, даромади ҳам шунга яраша бўлишини ҳисобга олсак, кластернинг самарали жиҳатлари янада ажқолроқ кўринади.

Ташаббус ўзини оқлаётими?

“Бек кластер” фаолиятида қайд этилаётган дастлабки натижалар ижобий. Масалан, пахтачилик учун ноқулай келган 2018 йилда кластер пахтакорлари мелиоратив ҳолати оғир бўлган ҳудудда ҳосилдорликни 7,5 центнер оширишга муваффақ бўлдилар. Бунда, албатта, қўлланилган инновацион технологиялар ва ишга илмий ёндашув муваффақиятлар омилли бўлди.

Энг аввало, тупроқ таркибини ўрганишга эътибор қаратилди. Тупроқшунослик институти билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Шундан келиб чиқиб, Германия технологияси асосида мелиоратив тадбирларга алоҳида аҳамият қаратилди. Ернинг “кўзи”ни очиш, яъни Мирзачўл заминига хос гумус қатламини ёриш устувор масалалардан бири қилиб белгиланди. Яхоб бериш, ирригация-мелиорация тизимини тартибга келтиришда ҳам янгича ёндашув жорий этилди. Ерни текислашда лазерли техника воситаларидан фойдаланилаётганлиги эса ўзга ривож ҳамда барча агротехника тадбирларини рисоладагидек бажаришда қўл келди.

Кластерда қишлоқ ҳўжалиги тузилмалари ва уларнинг бошқаруви ҳам ўзига хос. Хусусан, экин майдонларининг ўртача 3000 гектарлик ҳўжалик ва 120 — 150 гектарлик бригада шакли ҳам яхши натижа берди.

— Ўн саккиз йил шу ҳудуддаги сув истеъмолчилари уюшмаси раиси бўлиб ишлаганман, — дейди кластернинг “Оқолтин” ҳудуди раҳбари Абдулла Деҳқонов. — Рост, ўша пайтдаги ва ҳозирги тизим иш тутуми ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Мисол учун, маблаг етишмаслиги туфайл



ли ишчиларга ойлик маошини натурада, дейлик, ғалла ёки сомон бериш йўли билан тўлашга ҳам мажбур бўлинган. Бунинг устига, экин майдонларидан томоғра ажратишга ҳам тўғри келарди. Энди эса вазият бутунлай ўзгача: деҳқонларимизга иш ҳақи ойма-ой берилаётди. Йўлқира, овқатланиш учун чиқим қилишга ҳожаз йўқ. Барчаси — кластер ҳисоби-дан.

Ҳар бир бригаданинг 12 — 15 нафаргача доимий ишчиси бор. Қишлоқ ҳўжалиги бўйича мавсумий меҳнатчилар сони 1800 нафарга етади, аммо уларнинг ҳам йил бўйи даромад олишини таъминлаш мақсадида корхона томонидан аҳолига касана-чилик, қуёнчилик, пиллачилик ва хонадонларда қалампир маҳсулотини етиштириши учун шaroит яратиб берилди. Бунга мувофиқ, маҳсулот йиғиштириб олинган, улар корхона томонидан харид қилиниб, қайта ишланади ва экспортга йўналтирилади.

Серҳосил навлар Сербиядан келтирилди

Кластерда дала ишларида қўлланиладиган тракторлар турт гилдиракли. АҚШнинг “New

Holland” компаниясига тегишли “TD5-110” трактори биринчи мавсумдаёқ самарадор эканлигини амалда кўрсатди. Мазкур агрегатнинг қуввати юқори. Хайдов ёки ишлов вақтида ерга зиён етказмайди, масалан, гилдираклар тупроқни зичламайди.

“Бек кластер” майдонларининг

Ҳозирча илк қадам сифатида Гулистон давлат университетиде лаборатория ташкил этилиб, мазкур олий ўқув юрти олимлари билан ҳамкорлик ишлари бошлаб юборилган. Кейинчалик бу марказда ўсимлик ва тупроқ таҳлили, ўсимликлар биотехнологияси, ўсимликлар генбанки ва геноми-



каси ҳамда бошқа йўналишларда кўплаб лабораториялар фаолияти йўлга қўйилди.

Қатор ораларига «GPS» тизими аниқлигида ишлов берилади

“Бек кластер”да шу йили Туркия технологияси асосида 300 гектар майдонда томчила-тиб суғориш тизими жорий қилинган ҳам эътиборга молик жиҳат. Қишлоқ ҳўжалиги техникаларини тўлиқ компьютер бошқарувиға ўтказиш ва қатор ораси ишловларини “GPS” тизими аниқлигида олиб бориш учун АҚШнинг “Trimble” компанияси билан шартномалар имзоланган бўлиб, технологиянинг афзаллиги таърибада синовдан ўтказилди. Шунингдек, ёқилги сарфини иқтисод қилиш мақсадида 70 та трактор газ билан ишлашга ўтказилди. Пахта, ғалла уруғчилиги селекцияси бўйича бўлимлар ташкил этилди. Ушбу лойиҳа туфайли 2019-2020 йилларда кластернинг уруғликларга бўлган эътиёжи юз фоиз қоплангани ҳолда, ортиқчаси бошқаларга етказиб ҳам берилади.

“Бек кластер”нинг лойиҳалар портфолида бундай фойда кел-

тирувчи режалар кўп. Масалан, ҳозирги кунда 1500 гектар майдонда балиқчилик кластерини ташкил қилиш ҳаракатлари бормоқда. Жанубий Корея технологияси асосида лойиҳалаштирилган 100 гектарлик иссиқхонанинг 35 гектари ўтган йили фойдаланишга топширилган бўлса, 200 гектарлик анорзор ва 200 гектарлик тоқзор яратиш ишлари давом эттирилмоқда.

Шубҳасиз, қуриб битказилаётган ва шу йил сентябрь ойида фойдаланишга топширилаётган иссиқхоналар учун металл конструкциялар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган “Bek metall production” корхонасининг ҳам истиқболи порлоқ. Саҳни 10 сотих бўлган, кўёш нури билан иситилувчи “Ижтимоий иссиқхона комплекси” лойиҳасини амалга ошириш ҳам бошлаб юборилди.

Шунингдек, малакали кадрлар масаласи ҳам ўз ечимини топаётгани алоҳида эътиборга молик. Бунинг учун Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Мирзачўл хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида меҳнат бозорининг юқори малакали мутахассисларга бўлган эътиёжларини қондириш, касбга ўқитишни ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялаштириш, билим ва кўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизимини жорий этиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифалар доирасида “Бек кластер” МЧЖ таркибидаги корхоналар ва республика-мизнинг бошқа йирик субъектлари учун талаб юқори бўлган мутахассисларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тайёрлаш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, кластерда инсон ресурсларини бошқариш бўйича жаҳоннинг етакчи фирма ва корпорациялари томонидан қўлланилаётган “HR management” тизимиға ўтиш ҳам мўлжалланмоқда.

Эътироф этиш лозимки, мазкур тузилма ташкил этилганиға хали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, амалга оширилган ишлар қўла-ми ва самараси анча салмоқли. Умуман, кластер биринчи қадамларданок ўзини оқламоқда, бу эса унинг истиқболи юксак эканидан далолат беради.

Аҳмодали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).



Австралияда кутилмаганда қор ёғди. Бундай об-ҳаво охириги марта 35 йил олдин кузатилган.

35 йилда илк бор кузатилди



Қайд этилишича, қор бутун мамлакатни қоплаган. Бундан ташқари, “яшил қитъа”да кучли ёмғир ёмоқда. Синоптикларнинг билдиришича, шамол тезлиги сониясига 33 метргача етаяпти.

Мельбурннинг айрим ҳудудларида ҳаво ҳарорати +10 даражада бўлиб турибди. Виктория ва Янги Жанубий Уэлснинг Альп тоғлари ҳудудларида эса ҳарорат 0 дан паства тушган.

Ижтимоий тармоқларда қорда сакраб, югуриб юрган кенгурулар тасвирлари пайдо бўлди. Фойдаланувчилар бунга икки хил муносабат билдирган: айримлар жониворлар ноодатий об-ҳавода ўйнаб юришибди, деб ёзган, бошқалар кенгурулар совуқдан пана жой изламоқда, дея қайд қолдирган.

Беш асрни кўрган акула

Шимолий Атлантика океанида олимлар ёши беш асрга тенг акулани аниқлашди.

Бу ҳақда “The Sun” нашри ёзмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, акуланинг ёши танаси ҳажми-га қараб аниқланади. Улар йилига бир сантиметрдан

ўсиб боради. Бу жонивор танасининг узунлиги эса 5,4 метрга тенг экан.

Демак, наҳанг 1505 йилда туғилган бўлиб, у айна дамда 504 ёшда.

Чақмоқдан ўт чиқди



Испаниянинг Каталония автоном ҳудудидаги авто-тураргоҳда чақмоқ уриши оқибатида ёнгин келиб чиқди.

Ҳодиса Венталье муниципалитетиде рўй берди. Полиция маълумотиға қўра, 1,5 минг метр майдон ва бу ерда сакланаётган 40 та автотиркамаға жиддий зиён етди.

Бир неча кундан буён ҳудудда ёғаётган кучли ёмғир транспорт ҳаракатини ҳам издан чикарди.

Қизамиқ тез тарқаяптими?

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунё бўйича қизамиқ касаллиги жуда тез тарқалаётганини маълум қилди.



Манбада қайд этилишича, жорий йилнинг январь — июль ойларида ушбу касаллик билан боғлиқ 365 мингта ҳолат рўйхатға олинган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уч баробар кўпдир.

Ушбу хасталиқ, асосан, Конго, Мадагаскар ва Украинада кузатилаяпти.

Газланган ичимликларнинг яна бир зарари

Газланган ширин ичимликларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш саратон касалликлари ривожланишиға олиб келиши мумкин, дейилади “The BMJ” нашрида.

Олимлар 107 минг кишининг соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб, ана шундай ҳулосаға келишди. Таъкидланишича, бундай ичимликлар таркибидаги шакарнинг миқдори кўплиғи кўкрак саратони пайдо бўлишиға олиб келади. Бундан ташқари, семизлик, диабет ва юрак-қон томир касалликлариға сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, асосий хавф газланган ичимликларға қўшилаётган сунъий моддаларға боғлиқдир.

Хориж ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.



Бухороға Хитойдан 4 миллион долларлик 65 та автобус келтирилди

“Asiastar Xaxing Wertstar” автобусларининг мамлакатимизға келтирилиши Бухородаги “Alihan Trans” МЧЖ корхонаси ва хитойлик ҳамкорлар ўртасида имзоланган меморандум асосида амалға оширилди.

Хамкорлик

— Мазкур транспорт воситалари 32 ўринли бўлиб, уларға советтик ва телевизор ўнатилган, — дейди “Alihan Trans” МЧЖ корхонаси бош директори ўринбосари Ғани Жумаев. — Йил охириға қадар яна 90 та автобусни вилотға олиб киришни режалаштирганмиз. Шунингдек,

120 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг 24 августидан бошлаб, замонавий қулайликларға эга ушбу автобусларнинг 60 таси шаҳар ичида қатновға қўйилди, 5 таси эса хорижлик сайёҳларға хизмат кўрсата бошлайди.

«Халқ сўзи».

Акс садо

Танқидий мақоладан сўнг «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди

Газетамизда олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари фаолияти ҳақида чоп этилаётган танқидий-таҳлилий мақолалар мутасадди ташкилотлар раҳбарларини бефарқ қолдираётгани йўқ.

Хусусан, шу йилнинг 18 июнь сониде эълон қилинган “Лоқайд бўлиб эмас, замонға мос тафаккур қилиб ишлаш керак” сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан билдирилган муносабат — улардан бири.

Фанлар академияси хатида мақола ўз вақтида чоп этилгани, ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти фаолиятиға оид келтирилган барча камчиликни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилгани маълум қилинган.

Таъкидланганидек, институт биносини таъмирлаш, лаборатория ускуналарини янгилаш, зарур реагентлар билан таъ-

минлаш юзасидан чоралар кўрилмоқда. Мавжуд муаммоларни келгуси йилда тўлиқ бартараф этиш кўзда тутилган. Кутубхонани янги адабиётлар билан тўлдириш бўйича буюртма ҳам берилган. Янги компьютер ажратилиб, у интернет тармоғиға уланган.

Қолаверса, хорижнинг етакчи ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласи кўриб чиқилган. Жумладан, Франциянинг Агрономия, ветеринария ва ўрмончилик илмий маркази, АҚШнинг “Advanced Bio-oil” компанияси билан биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва қўша лаборатория ташкил этиш бўйича келишувға эришилган.

Янги ҳисоблагичлар РОСТДАН ҲАМ ҚЎШИБ ҲИСОБЛАЯПТИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигида омвий ахборот воситалари вакиллари учун электр энергияси ҳисобини юритиш бўйича “ақрили” ускуналарни ўрнатиш борасида юзаға келган саволларға бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, “Elektron Hisoblagich” қўшма корхонаси ва бошқа тегишли ташкилотлар мутасаддилари иштирок этди.

Тадбир

Саволларнинг аксарияти аҳолининг электр энергияси ҳисобини юритиш бўйича янги ускуналарнинг ўрнатилиши билан боғлиқ бўлди.

Ҳисоблагич ўрнатувчиларнинг ўз ишини яхши билмаслиғи ҳақидаги саволларига жавоб берар экан, энергетика вазирининг ўринбосари Шерзод Ҳўжаев сентябрь ойининг ўрталарида ягона қисқа рақам, мобил алоқа операторларига ўхшаш “call-марказ” ишға туширилишини билдирди. Унда аҳолининг

барча мурожаати қайд қилинади ва тезкор жавоблар қайтарилади.

Янги ҳисоблагичлар электр энергияси истеъмолини бир неча барабар ошириб кўрсатиши ҳақидаги норозиликлар хусусида қуйдагилар маълум қилинди. Эски ҳисоблагич ускуналарида, айниқса, меҳаник турлариде таъсирчанлик кам. Улар 30 йил ва ундан ортиқ ишлаганлиғи эътиборға олинадиган бўлса, электр истеъмоли ҳисобини юритишда анча камомадға йўл қўйди. Янги ҳисоблагичлар эса ундан ўтаётган бутун энергия ҳақ-

мини қайд этади. Ўтган асрга оид ҳисоблагичлар эса буни қайд қила олмаган.

— Ҳисоблагичларни яратишда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишни аниқлаш бўйича интеллектуал тизим қўлланилган. Агар истеъмоличде аввал ҳисобға олинмаган уланишлар мавжуд бўлса, ҳисоблагич буни қайд этади. Бу борада икки йўл бор эди. Ноқонуний уланишлар аниқланган тақдирда ҳисоблагични ўчиришни ёки ушбу муаммони қайд этган ҳолда ишни давом эттиришни дастурлаш мумкин эди. Биз иккинчи йўлни



танладик, — деб изоҳлади Шерзод Ҳўжаев. Шунингдек, у янги ҳисоблагичлар битта рақамни кўрсатгани ҳолда, “SMS-хабар”да бошқа рақам кўрсатилиши ҳақида кенг тарқалган шикоятларға ҳам изоҳ берди.

— Тан олиш керакки, 2012 йилда фойдаланишға топширилган мавжуд биллинг тизими эскириб қолди. Шу боис олдимизда янги биллинг тизимини ишға тушириш вазифаси турибди ва биз ҳозир ушбу йўналишда иш олиб бораёلمиз. Янги тизим маълумотларни ҳисоблагичлар билан синхрон тарзда, узилишларсиз акс эттиради, — дейди вазир ўринбосари.

Дилшод УЛУҒМУРDOV («Халқ сўзи»).

Муаммоларни бартараф этиш учун тезкор чоралар

Газетамизнинг 2019 йил 12 июль сониде Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятиға оид “Хатолар бугун тузатилмаса, эртаға кеч бўлади” сарлавҳали танқидий мақола ҳам эълон қилинган эди.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан йўлланган хатда материалда кўтарилган муаммолар ечими бўйича институтда барча зарур чоралар кўрилаётгани баён этилган.

Чуноткин, мақолада келтирилган масалалар муассаса жамоаси томонидан муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш йўллари тасдиқланган. Тегишли масъул ҳодимлар огоҳлантирилиб, уларнинг жавобгарлик масъулияти оширилган.

“2018/2019 ўқув йили сўнггида ўқув ижодий устахоналар тартибға келтирилди. Институт ички имкониятларидан келиб чиқиб, аудитория деворлари оқланиб, поллари таъмирланди”, дейилади мактубда.

Шунингдек, Ахборот-ресурс маркази (АРМ)даги талабалар ўқув зали таъмирланди, кутубхонаға аъзо бўлганларни

рўйхатға олиш йўлга қўйилди. АРМ фонди яна 10 миллион сўмлик бадий адабиётлар, соҳаға оид ўқув дарсликлари билан бойитилди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”ға кўра, келгусида талабалар тураржойи, муассаса ўқув биноларини тўлиқ қайта таъмирлаш ва янгиларини қуриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий салоҳиятни ошириш ҳамда бу ерда таҳсил олаётган ёшларнинг хорижда малака оширишлари учун зарур шароитларни яратиш кўзда тутилган.

Умуман, танқиддан тўғри ҳулоса чиқариб, муаммоларға қарши тезкор чоралар кўрилаётгани барчани бирдек қувонтиради, албатта. Зеро, ёмонини яшириб, яхшисини оширишдан ҳеч қандай фойда йўқ.

«Халқ сўзи».

«ХАЛҚИМИЗНИНГ САОДАТЛИ КҮНЛАРИ БАРДАВОМ БЎЛСИН!»



Тўғри, бу ерда осмонўпар меҳмонхоналар ҳам қуриш имконияти мавжуд. Аммо Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳаж қилганларида айнан чодирда ўтирганлари учун умматлари ҳам шундай қилишни афзал билдилар.

Агар бу шаҳарчанинг бор тароватини ҳис қилмоқчи бўлсангиз, осмон узра пайдарпай учиб юрган вертолётга чиқсангиз, ки-фоя. Айниқса, ҳудуд қоронғулик чўмганда янада гўзаллашиб кетади. Милтираб турган минг-минглаб чироклар ёғдусини кўриб, бамисоли юлдузлар ерга қўнганми, деб ўйлаб қоласиз.

Ўзбекистонлик ҳожилар учун водийнинг 26 ва 27-секторидagi чодирлар ажратилган. Улардаги шарт-шароитлар бир неча юлдуз-ли меҳмонхоналардаги имкони-ятлардан асло қолишмайди. Ҳар бир чодир коммуникация тармоқ-ларига уланган, совитчик билан жиҳозланган.

Тарвия, яъни ёлгон арафа кун и бу ерга етиб келган юртимиз зиёратчилари дуо ва ибодат билан машғул бўлдилар.

— Ҳажнинг машаққати бор, дейишганда кўпчилик Мино водийсида бўлишни назарда тут-ди, — дейди сирдарёлик отахон Қўқонбой Шокиров. — Аммо бу-гун бу ерда ибодат қилиш ма-шаққат эмас, роҳат! Қаранг, ҳамма шароит муҳайи қилинган. Хизмат кўрсатиш аъло даража-да.

Чиндан ҳам, сервис хизматла-ри жуда яхши йўлга қўйилган. Худудлар озода, саранжом-са-ришта. Ҳар қадамда қўйилган махсус идишлар муздек ичимлик-лар билан тўлдирилган. Улар ка-майиши билан дарҳол қайта тўлдирилади. Чодирлар олдига қўйилган самоварларда эса чой

қайнаб турибди. Ювиниш, таҳо-рат олиш борасида ҳам муаммо йўқ.

Ўзидан нур ёғилиб турган бу нуроний отахон билан сўхба-тимиз узоқ чўзилди. У киши оппоқ соқолини силаб, шифокорлар, ошпазлар, Ишчи гуруҳ хизмати-дан ҳожилар мамнунлигини айтади.

— Мухбир болам, энди гап бундай, — дея мақсадга кўчади отахон. — Буни болаларимга айтишим керак. Улар хавотир олиш-масин. Имкони бўлса, уйимдаги-лар билан бир гаплаштирсангиз.

Шу заҳоти ахборот-коммуни-кация воситалари имкониятлари-дан фойдаланиб, Ватанга кўнги-роқ қилдик. Фарзандлари, наби-ралари билан гаплашган, сурат-лар алмашган Қўқонбой ота ўзида йўқ қувониб, Яратгандан юртимиз тинч, халқимиз турму-ши фаровон, фарзанду аржу-мандлар омон бўлишини сўраб, дуо қилди.

Президентга табрик

Юртимиз зиёратчилари чин арафа кун и бомдод намозини ўқиганларидан сўнг ташкилий ра-вишда ҳажнинг яна бир фарзини бажариш мақсадида Арофат то-мон йўл олдилар. Саҳиҳ манба-ларда келтирилишича, Арофат энг улуг манзиллардан бири бўлиб, бу ерда қилинган дуо қабул бўларкан. Буни яхши ан-галаган ҳожилар ҳар дамни гани-мат билиб, ундан оқилона фой-даланиш пайидан бўлдилар.

Ана шундай пайтда Президенти-миз Шавкат Мирзиёевнинг мубо-рак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон халқига йўлла-ган табриги юртимиз ҳожилари, дин улаомларини беҳад қувон-тирди. Улар табрикни ўқиб,

кўнгиллари тоғдек кўтарилгани-ни айтишди. Бинобарин, унда шундай жумлалар бор: “Фуқаро-ларимиз учун яратилган янги им-коният ва шароитлар туфайли ушбу мўътабар ва улуг айём кун-ларида Маккаи мукаррамада му-қаддас ҳаж амалларини адо этаятган 7 мингдан зиёд ватандош-ларимиз бугунги тинч-осойишта, эркин ҳаёт учун Парвардигори оламга ҳамду санолар айтиб, юр-тимизга равнақ, халқимизга хайр-барака сўраб, дуои фотиҳалар қилишмоқда. Ҳожиларимизнинг барчасини самимий муборакбод этиб, уларнинг она диёримизга соғ-саломат қайтиб келишлари-ни тилаймиз. Улар ўзларининг ибратли фазилатлари, жамият ҳаётидаги фаол иштироки билан ёш авлодимизни эл-юртга садо-қатли ва фидойи, ҳидоят йўли-дан борадиган ҳалол ва пок ин-сонлар этиб тарбиялашга муно-сиб ҳисса қўшадилар, деб ишо-намиз”.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳожилари Арофат водийсида давлатимиз раҳбарига табрик йўлладилар. Уни Ўзбекистон мусул-монлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ўқиб эшиттирди.

Юртимиз ҳожиларини ҳар йили минглаб фуқароларимизнинг ҳаж ибодатини юксак савияда, барча қулай шарт-шароитлар яратилган ҳолатда адо этаятганлари, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда виж-дон эркинлигини кафолатлаш, миллий-диний қадриятларимизни қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли иш-ларнинг ёрқин ифодаси эканлиги-ни алоҳида таъкидлаб, Ўртбоши-мизга энг эзгу тилакларини йўла-дилар: “Мухтарам Президент Жаноблари! Биз, ҳожилар Арофатда туриб, Сизнинг раҳна-молигингизда юртимиз ҳамиша омон, элимиз доимо тинч, тур-

мушимиз янада фаровон бўли-шини Ҳақ таборака ва таолодан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Аллоҳ-таолодан сизга мус-тахкам соғлик, бахт-саодат тилаймиз, халқимиз ва азиз диёримизни ҳамиша Ўз паноҳи-да асрашини сўраб, дуолар қилиб қоламиз. Жонажон Ўзбе-кистонимизда бошланган улкан ислохотларнинг ёруғ юз билан амалга ошишида Аллоҳ-таолодан тавфиқ ва мадад сўраб қоламиз”.

Раҳмат ёмғирлари

Маълумки, 2019 йилги ҳаж мавсуми йилнинг энг иссиқ пай-тда тўғри келди. Одатда, Саудия Арабистонида ёзнинг чилласида ҳарорат 50 — 60 даражагача кўта-рилиб кетаркан. Аммо бу гал иссиқ у қадар забтига олмади.

Қутилмаган ҳолат арафа кун и Арофатда кузатилди. Гап шунда-ки, ҳожиларимиз суннатга муво-фиқ, пешин вақтида унга аср на-мозини қўшиб ўқиганларидан сўнг ҳароратда ўзгариш кузати-ла бошланди. Гармсел шамол ўрнини майин шабада эгаллади. Кўёш тоғу тошлар ўраб турган водийни тандирдек қиздириб турган бир пайтда осмонда оппоқ булутлар пайдо бўлди ва чақмоқ чакиб, зумда шаррос ёмғир қуйди. Ҳожиларимиз Яратганга шукроналар айтиб, кўзаларида ёш билан яна дуога қўл очдилар.

Буни қарангки, бундай ёмғир-лар Қурбон ҳайити ва унинг эртасида ҳам ёғиб, дилларни равшан қилди. Зотан, баҳорда, кўкдан томчи камдан-кам тома-диган бу жойларда кетма-кет ёмғир ёғиб, салқин об-ҳаво рўй бериши, ҳеч шубҳасиз, Аллоҳнинг раҳматидир.

— Арафа ва ҳайит кунлари ёмғир ёғиши ҳожиларнинг дуо-

лари ижобати, уларнинг гуноҳла-ри кечирилгани, ибодатлари, ҳажнинг қабул бўлганидан бир аломатдир, — дейди Тошкент шаҳридаги Шайх Зиёвулдинхон масжиди имом-хатиби, гуруҳ раҳ-бари Эрдон домла Эсонов. — Бу йилги ҳажнинг ўзгача бўлганидан яна бир белги шукки, гўёки жан-нат шамоллари эсиб, баҳор ҳаво-си кузатилди. Бундан, ҳатто ма-ҳаллий аҳоли ҳам ҳайрон. Чунки бундай мўътадил ҳарорат январь-февраль ойларида кузатила-кан. Охирги 25 йил давомида ҳаж мавсумларининг бевоқофа кузатувчиси сифатида, айтишим мумкинки, ўтган давр ичида бун-дай ҳолат биринчи бор юз бер-моқда. Бу — Аллоҳнинг раҳмати, ғамхўрлиги. Бунинг учун биз, ҳожилар Парвардигори оламга ҳамд айтдик, саждалар этдик, йиғлаб дуои хайрлар қилдик. Илоҳим, уларнинг барчаси ижо-бат қилингани рост бўлсин!

Ҳожиларимиз шомдан сўнг Арофатдан чиқиб, инсоният бе-шиғи бўлмиш Музадалифага кел-дилар. Бу ерда тонгга қадар ибо-датда бўлдилар, тош териб, шай-тонга тош отиш амалини бажар-дилар, шунингдек, Каъбатуллоҳ-га бориб, тавофи изофа қилди-лар.

Шундай қилиб, зиёратчилар ҳаж ибодатининг даярили барча рункларини бажариб бўлдилар. Уларнинг сўнггиси, яъни сафар якунида тавофи видони бажариб, гуруҳлар 17 августдан бошлаб 1 сентябрга қадар навбатма-навбат она Ватанга қайтадилар.

Бугун ҳожиларнинг тилида, дилида бир тилак: Аллоҳ-таоло барчанинг ҳажини қабул айла-син, уларга гуноҳлардан фориғ бўлиб, уйларига эсон-омон қайтиш насиб қилсин! Халқи-мизнинг саодатли кунлари бар-давом бўлсин!

КИТОБ — МЕНИНГ ДЎСТИМ

Навоий вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан “Ишонч” болалар соғломлаштириш оромгоҳида “Қасаба уюшмалари — болаларга!” шiori остида “Китоб — менинг дўстим” мавзuida викторина ташкил этилди.

Маънавият

— Оиламизда китоб алоҳида қадрланади, — дейди викторина иштирокчиларидан бири Севинч Абдуллаева. — Шунинг учун ҳам менда мутлоага қизиқиш орт-ган. У ерда ҳам кутубхона бор

экан. Ундан тарихий мавзудаги асарларни олиб ўқийман. Яқин-да “Широқ” асарини ўқиб чик-дим. Широқнинг ватанпарварли-ги, мард, жасурлигига ҳавасим келди. Келажада мен ҳам юртга

содик инсон бўлишга аҳд қилдим.

Викторина шартлари болажон-ларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир сўнггида фаол иштироки-лар мактаб ўқув қуроллари, фах-рий ёрлик ва бадий китоблар билан тақдирланди.

Дилафрўз ЎРОЗОВА,
Навоий вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Туризм янгиликлари

Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг гастрономик туризм тақдиротида 1000 нафарга яқин кишилар иштирок этди.

ГРУЗИЯДА МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИМИЗ

Йиғилганларга 1000 та манти, 500 та хинкали ва 500 килограмм палов тайёрлаб, тарқатилди. Шу билан бирга, тадбир меҳмонлари Ўзбекистондан олиб борилган ши-ринликлардан татиб кўришди.

Бундан ташқари, ўзбек ва гру-зин халқларининг мушқий қиш-лар йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлаб, барчани рақсга чорлади.



ТЕЗЛИГИ ЯХШИЛАНАДИ

Юртимизда сайёҳларга янада қулайлик яратиш мақсадида меҳмонхона, аэро-порт, темир йўллари ва автовокзаллар ҳудудига интернет тезлиги сониясига 4 мегабайтдан кам бўлмаган Wi-Fi тар-моғи ўрнатилди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси-да туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги Фар-мони билан меҳмонхона-ларни бутунжаҳон интернет тармоғига кириш, жумла-дан, 4 мб/с дан кам бўлма-

ган тезликдаги симсиз Wi-Fi билан таъминлашга доир талабларни киритиш кўзда тутилган. Бу туристик “ақлли шаҳар”-ни яратиш босқичларидан биринчиси ҳисобланади.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«GLOBAL BOWL»
масъулияти чекланган
ҲАМИЯТИНИНГ
(ИНН: 305765610) устав фонди
559 052 000 сўмдан
20 000 000 (йигирма миллион) сўмгача
камайтирилди.
Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Марказ-4, 28-уй, 10-хонадон.

«Чимбойдон» масъулияти чекланган ҲАМИЯТИ пайчилари диққатига!

2019 йил 21 август кун и соат 10.00 да
«Чимбойдон» МЧЖ пайчиларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Кун тартибиде куйидаги масалалар кўрилади:

- «Чимбойдон» МЧЖ кузатув кенгаши раисининг ярим йиллик натижалари ҳисоботи.
- «Чимбойдон» МЧЖнинг 2019 йил биринчи ярим йилликдаги махсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳамда молия ҳўжалик ишларининг натижаси тўғрисида.
- Ҳамиятнинг 2019 йил биринчи ярим йилликдаги бизнес режасининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот.
- «Чимбойдон» МЧЖнинг 2019 йил учун қайта сайланган кузатув кенгаши аъзоси — Р. С. Ақпуратов бошқа ишга ўтганлиги сабабли унинг ўрнига «Ўздонмахсулот» АК томонидан тавсия этилган С. А. Назаров номзодини кўриб чиқиш.

«Чимбойдон» МЧЖ кузатув кенгаши.

Манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой тумани, К. Азевос кўчаси, 2-уй.
Телефонлар: 61-444-01-11, 61-444-11-11.

E-mail: [http://Chimboydon1@mail.ru](mailto:Chimboydon1@mail.ru)

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Ўқоллар 71-232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.45 Топширилди — 23.05 1 2 3 4 5 6

Достонларимиз бор экан, тарихимиз, асл илдиэларимиздан узоқлашиб кетолмаймиз

Мамлакатимизда бахшичилик санъатига бўлаётган эътиборни Ўзбекистоннинг келажаги учун ҳозирланган мустақкам пойдевор, эртанги маданий юксалишлар учун қўйилган инвестиция деб биламиз. Чунки келажақ авлодининг маънавий дунёси, унинг тамаддуни силсилаларига бардошлилиги, глобализм тўфонларига туриб бериши “илдизнинг” қай даражада чуқур кетгани, яъни унинг оғзаки ва ёзма адабиёт, адабиёт қиёфасидаги қадрият, мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “инсониятнинг болалик кўшиги” бўлган достончилик санъати, умуман, миллий сарчасмага қай даражада тўйингани билан боғлиқдир.

Қадрият

Дунёнинг турли бурчакла-рида миллатлар миллатга, давлатлар давлатга ўзининг қуроли билан таҳдид қилиб, ваҳима уруғини сочаётган бир даврда мамлакатимиз-да чин инсонийлик улуғлан-ган, баррикентлик тараннум этилган достончилик санъа-тини асраб-авайлашга қара-тилган қарорлар қабул қилинди. Бу мам-лакатимиз микё-сидигина эмас, дунёвий аҳамият-га молик, ўз вақ-тида қабул қилин-ган тарихий ҳуж-жатлардир.

Бу таъбир жоиз бўлса, бу-гунги глобаллаш-ган жамиятда мамлакатимиз-нинг дунёга айтар сўзи, ҳикматлари тўла донишман-дона қаҳириғи-дир.

“Оммавий ма-даният” тобора забтига олаётган, инсон-инсонга бегоналаша-ётган, қадриятлар, инсоннинг ўтмиш олдидagi масъулияти ва бурчи унутилаётган бир даврда огоҳликка бир даъ-ватдир.

Достончилик санъати халқимизнинг бадий тафак-кур тарихидир. Шундай экан, халқимизнинг буюк ўтмиши, маданияти, миллий ва умуминсоний қадриятлари борасида тасаввурга эга бўлиш учун, аввало, эпик санъат ва аъназалар ҳақида фикр юритиш лозим. Зеро, эпик санъат давомчилари, яъни унинг ижрочилари бўлмиш бахшилар миллат тарихи, санъати, маданияти-ни минг йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган, авлоддан-авлодга етказаят-ган, миллий маданият, тари-х ва фалсафа ривожига ўзининг беназир улуғлини қўшиб келаётган улкан ижодкорлардир. Бадий сўз

санъатининг энг юксак кўри-ниши бўлган эпик ижодкор-ликда биз ноэстетик ҳоди-саларнинг эстетик ҳодисага айланиш жараёнини кузата-миз. Бу жараён, шубҳасиз, халқимизнинг қадим тарихи, мифологик тафаккури, кўп асрлик миллий маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривож топган.

“Аввал сўз бўлган” дейилади муқаддас китобларда. Сўзки, инсонни жонзотлардан ажрат-ган, онгини ўстирган, унга куч ато этган, қаҳриётлар эшиғи-ни очиб берган, руҳиятини тарбия қилган. Бугун тилдаги унутилган бир сўз эса аждод-ларимиз билан бизни боғлаб турган риштаннинг узилиши, ўтмиш билан бугун ва эртанги кун ўртасида жарликнинг пайдо бўлишидир. Бу хатарли ва мав-ҳум бир келажақнинг ибтидоси, аждодларнинг авлодларга бего-налашувидир.

“Алпомиш” ва “Гўрўғли” каби достонларимиз бор экан, жонли ижро жараёни-да яшашда давом этар экан, тарихимиз, асл илдиэ-ларимиздан узоқлашиб ке-толмаймиз, инсонийлик қиёфамизнинг унутилишига, макфуртлашишимизга изн йўқ. Достонлар қатига синг-дирилган донишмандона ўғитлар, чорловлар бунга йўл бермайди. Онгимиз, та-факкуримиз минг йиллар давомида тобланган ҳақиқий бадий сўз санъа-ти булоқларидан сув ичиб тураар экан, миллат сифати-да борлигимизни намоён этиш имконияти сақланиб қолаверади.

Жаббор ЭШОНҚҮЛ,
Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт музейи
директори,
филология фанлари
доктори.

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар **Занжирли экскаваторлар**

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар **Экскаватор-юклагичлар** **Автогрейдерлар** **Катоклар**

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФИ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони). **Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.** www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Махсулотлар сертификатланган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси